

VI. Алохида шартлар

6.1. Объект эгаси ўзгарганда, “Истеъмолчи” чиқиб кетишидан 7 кун аввал дебиторлик қарзларини узиб, бу ҳақда “Таъминотчи” билан далолатнома имзолаши шарт. “Истеъмолчи” чиқиб кетгач, сувни ҳисобга олиш асбоби ва пломбаларнинг бутлиги учун жавобгарлик объектнинг янги эгаси зиммасига юкланади.

6.2. “Истеъмолчи”нинг сув узатиш-оқова ҳўжалигидаги барча ўзгаришлар таъминотчи томонидан “Истеъмолчи”нинг хати келиб тушган кундан бошлаб ҳисобга олинади.

6.3. Етказиб берилган ёки қабул қилинган ичимлик суви ҳажми қувурнинг ўтказиш қобилиятидан келиб чиқиб оиннинг календар кунлари ҳисобидан қуйдаги формула асосида ҳисобланади:

$$Q = M \times F \times \sqrt{2g \times H} \times t$$

бунда: М – 0.60га тенг бўлган зулфин орқали сув сарфи коэффициентини;

F – суюқлик оқиб ўтадиган қувур ёки тешик кесими майдони (ички диаметр бўйича)м²;

g – 9,81 м/сек га тенг бўлган эркин тушиш тезлиги;

H – сувнинг метрлардаги босими;

t – вақт- 24 соат, секундларда;

Қуйидаги ҳолатларда:

6.3.1. “Истеъмолчи”да сув ўлчаш асбоб ва мосламалари йўқ бўлган ҳолатларда (ёки носоз ҳолатда);

6.3.2. Сув ўлчаш асбоби ёки мосламаси “Таъминотчи”да рўйхатдан ўтмаган тақдирда;

6.3.3. Ичимлик суви билан ўзбошимчалик билан фойдаланиб, ўрнатилган вақтдан ташқари сув сепилганда, автомашиналар ювилганда;

6.3.4 Сув ўлчаш асбоби, мосламаси ишдан чиққан, синган, бузилган ҳолатда, сарфланган сув ҳажми ушбу шартнома 6 қисмининг

6.3 бандида кўрсатилганига мувофиқ, энг сўнгги тузилган далолатнома муддатидан янги сув ўлчаш асбоби ўрнатилиб, (рўйхатдан ўтказилган)кунгача ҳисобланади;

Сувни ҳисобга олиш асбоби истеъмолчининг айбисиз носоз бўлган тақдирда сарфланган сув миқдори олдинги уч ҳисоб-китоб ойидаги ўртача сарф бўйича аниқланади. Ҳисоб-китобнинг бундай тартиби бир ойдан кўп қўлланилиши мумкин эмас. Агар сувни ҳисобга олиш асбоби кўрсатилган муддат мобайнида ўрнатилмаса, сарфланган сув миқдори II-гурух истеъмолчилари учун Қонданинг 87-“б”-банди бўйича ҳисоб-китоб қилинади;

6.3.5. “Истеъмолчи”нинг ичимлик суви ва канализация тизими коммуникацияларидан сув исроф бўлиши ҳолатлари аниқланган ҳолатларда;

6.3.6. “Таъминотчи”нинг сув ўлчаш бўғинини диаметри кичикроқ бўлган мосламага алмаштириш тўғрисидаги талабномаси қондирилмаган, бажарилмаган ҳолатларда;

6.3.7 Сув ўлчаш асбобининг ҳисоб-китобини олиб бориш бўғинидаги қўйилган химож копламига руҳсатсиз тегилиш натижасида, ичимлик сув соф сарфини аниқлаш имконияти чегараланганда;

6.4. Ичимлик суви ва оқова сув коммунал тизимларига (жумладан ёнгиндан сақланиш гидрантлари ва хонадон қувурларига) ўзбошимчалик билан уланиб олинган ва фойдаланилган ҳолатлар аниқланганда, “Таъминотчи” томонидан далолатнома тузилади ва шу тузилган далолатнома ўзбошимчалик билан уланиб олган шахснинг жавобгарлиги даражасини аниқлаш ва “Таъминотчи”га етказилган зарарни ҳисоблаш учун асос бўлиб хизмат қилади.Бунда:

- тўлов муддати, энг сўнгги тузилган назорат далолатнома санасидан ўзбошимчалик билан уланиб олинган кун санасигача ёки янги сув ўлчаш асбоби ўрнатилиб, рўйхатдан ўтказилган кунгача, ёки ўзбошимчалик билан уланиш узиб ташланган кунга қадар ҳисобга олинади;

- ўзбошимчалик билан уланиб олинган санадан бу ҳақда маълум бўлган санагача, агар “Таъминотчи” балансидаги тармоқларга уланиш содир этилган бўлса, бу муддат даъво аризаси ёзилган муддатдан ошмаслиги зарур. Агар ўзбошимчалик билан уланган санани топиш, аниқлаш мумкин бўлмаса, бу муддат даъво муддатига тенг деб олинади;

6.5. Техник шартлар 2 йил муддатта берилади. Белгиланган муддат тугагач буюртмачи (объектнинг лойҳалаштириш ва қуришни бошлаш учун) лойиҳа муддатини чўздирishi ёки янги техник шартларни олиши зарур.

Техник шартлари мавжуд бўлмаган ҳолда ёки муддати ўтган ҳолда, “Таъминотчи” томонидан сув узатиш хизматларини яқунлашга асос бўлади.

6.6. “Истеъмолчи” коммунал сув таъминоти ва оқова сувни чиқариб юбориш тармоқларига уланиш санаси ҳақидаги ҳужжатларни тақдим этмаган ҳолатларда “Таъминотчи” томонидан, хоким қарори ва кадастр ҳужжатлари ва шу кабилар асосида, ҳужжат билан тасдиқланган уланиш санаси бўйича ҳисоб-китоб қилишга ҳақлидир.

6.7. Ишлатилган ичимлик суви ва қабул қилинган оқова сув учун тўловлар, “Таъминотчи” томонидан тақдим этиладиган тўлов талабномалари асосида уларга хизмат қилувчи банклар орқали амалга оширилади. Бу тўловлар “Истеъмолчи” томонидан 3 кунлик муддат ичида акцептсиз тартибда амалга оширилади. Тўловлар ўз вақтида амалга оширилмаган тақдирда, “Таъминотчи” кечиктирилган тўловнинг ҳар бир куни учун 0.4 % пеня ёзади ва унинг умумий қиймати асосий тўловнинг 50%дан ошмаслиги лозим. Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 248-моддаси талабига асосан истеъмолчи томонидан амалга оширилган тўлов суммаси пул мажбуриятини батамом бажариш учун етарли бўлмаса, энг аввало кредиторнинг ижрони олишга қаратилган чиқимларини, сўнгра фоизларни, унинг қолган қисми эса - қарзнинг асосий суммасини узиш учун йўналтирилади.

6.8. “Истеъмолчи” ҳисоб рақами бўлмаган тақдирда, тўловлар банк бўлимларининг қирим кассаси орқали, ҳисобот давридан кейинги 10 кун муддат ичида тўланади.

6.9. «Таъминотчи» тўловнинг ҳар бир даври учун, аввалги ой тўловининг 100 % миқдоридан олдиндан тўловлар (предоплата)ни белгилайди ва бу тўлов кейинги ой ҳисобига қўшилади. Агар “Истеъмолчи” икки ҳафта муддат ичида тўловни амалга оширмаса, “Таъминотчи” ҳеч қандай оголантиришларсиз ичимлик сувини етказиб беришни ёки оқова сувларни чиқариб юборишни ундирмагунга қадар тўхтатиб қўйиш ҳуқуқига эга. Бундай ҳолларда ёнгиндан сақланиш ва санитария ҳолатлари учун жавобгарлик тўлик “Истеъмолчи” зиммасига юклатилади. Сув таъминоти ва сув чиқариш тизимидан илгари узиб қўйилган ҳолларда қайта улашда II гуруҳ истеъмолчиларидан базавий ҳисоблаш миқдорининг 10 (ўн) баробари миқдоридан тўлов қайта улашни амалга оширган ташкилот ҳисобига маблағларни ўтказиш орқали ундирилади;

Шаҳарлар ва бошқа аҳоли пунктларидаги коммунал канализация тизимига жала, ёмғир ва қор сувлари руҳсат этилмаган ҳолда оқизилган тақдирда истеъмолчиға нисбатан ишлаб чиқариш оқова сувларини оқизганлиги учун амалдаги тарифларга нисбатан қўшимча уч баробарлик коэффициент татбиқ этилади. Ҳисоб-китоб ташкилотнинг майдони бўйича Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2010 йил 3 февралдаги 11-сон қарори билан тасдиқланган Ишлаб чиқариш оқова сувларини қабул қилиш қоидалари ҳамда инфослантирувчи моддаларнинг Ўзбекистон Республикаси шаҳарлари ва бошқа аҳоли пунктларининг коммунал канализация тармоқларига нормативдан ортиқча оқизилганлиги учун компенсация тўловларини ҳисоблаш тартибига мувофиқ кадастр ва метеорологик маълумотларга биноан амалга оширилади.

6.10. Ҳисоб-китобнинг нотўғри қилинганлиги (тарифларнинг нотўғри ҳисобига олинганлиги ва шу каби ҳолатлар) тўғрисида “Истеъмолчи” га ёзиладиган эътирознома тўлов ҳужжати олингандан кейин 5 кун муддатда “Таъминотчи”га тақдим этилиши керак. Эътирознома “Истеъмолчи”ни тўлов ҳужжатида кўрсатилган суммани тўлиқ ва белгиланган муддатда тўлашдан озод қилмайди.

6.11. Юридик шахслардан, лимитдан ортиқча сув истеъмол қилинган ҳолатларда, “Таъминотчи” ташкилоти томонидан белгиланган тарифларга нисбатан 10,0 орттирилувчи коэффициентни қўллаш йўли билан ҳақ ундирилади.